

Ўзбекистон Президенти умра амалларини бажарди



09:36 / 20.07.2023 2028

Давлат раҳбари лавозимига сайланганидан кейин илк хорижий ташриф билан Саудия Арабистонида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муқаддас Макка шаҳрига борди.

19 июль - ислом оламида бошланган ҳижрий 1445 йил муҳаррам ойининг биринчи кунда давлатимиз раҳбари эҳромга кириб, умра амалларини бажарди. Каъбатуллоҳнинг ичида намоз ўқиш шарафига муяссар бўлди.

Шавкат Мирзиёев динимиз арконларига мувофиқ Байтуллоҳ атрофида етти бор тавоф, Сафо ва Марва тепаликлари орасида еттита саъй қилди. Ватанимиз равнақи, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, барча юртдошларимиз, ёш авлодимиз бахту иқболи ва ёрқин келажагини тилаб

дуолар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, айнан шу куни Каъбанинг кисвасини алмаштириш маросими бўлиб ўтди.

Шунингдек, Саудия Арабистонида бўлиб турган Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон ҳам шу куни Умра зиёратини амалга оширди. Бу ҳақда республика раҳбари матбуот хизмати [хабар берди](#).

«Эмомали Раҳмон Марказий Осиё ва Форс кўрфази давлатлари раҳбарлари билан учрашишдан олдин Маккага йўл олди», дейилади хабарда.

Қайд этилишича, «Эмомали Раҳмон эҳром кийиб, Аллоҳнинг уйига кириб, Каъбатуллоҳ ичида 2 ракат нафл намозини ўқиди». Шундан сўнг, Сафо ва Марво тепаликларига чиқиб, Замзам қудуғидан сув ичди.



